

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ  
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.28.02.2018.ТІВ.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**СТОПНИЦКИЙ АМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ**

**СИРКА КИСЛОТАСИ БИЛАН ЎТКИР  
ЗАҲАРЛАНИШЛАРДА ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАНГАН  
ИНТЕНСИВ ДАВО СТРАТЕГИЯСИ ВА КЕЧКИ АСОРАТЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.39 – Токсикология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Стопницкий Амир Александрович**

Сирка кислотаси билан ўткир захарланишларда патогенетик асосланган интенсив даво стратегияси ва кечки асоратлар профилактикаси..... 3

**Стопницкий Амир Александрович**

Патогенетически обоснованная стратегия интенсивной терапии и профилактика поздних осложнений при острых отравлениях уксусной кислотой..... 21

**Stopnitsky Amir Alexandrovich**

Pathogenetically based strategy for intensive therapy and prevention of late complications in acute acetic acid poisoning ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ  
МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.28.02.2018.ТІВ.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**СТОПНИЦКИЙ АМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ**

**СИРКА КИСЛОТАСИ БИЛАН ЎТКИР  
ЗАҲАРЛАНИШЛАРДА ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАНГАН  
ИНТЕНСИВ ДАВО СТРАТЕГИЯСИ ВА КЕЧКИ АСОРАТЛАР  
ПРОФИЛАКТИКАСИ**

**14.00.39 – Токсикология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib154 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акалаев Рустам Нурмухамедович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Лодягин Алексей Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Матлубов Мансур Муратович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:**

**Москва шаҳри соғлиқни сақлаш департаминтига қарашли давлат бюджетдаги соғлиқни сақлаш муассасаси Н.В. Склифосовский номидаги Тез ёрдам илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.63.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни соат\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 2-уй. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05; -mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази мажлислар зали.

Докторлик (PhD) диссертацияси билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 2-уй. Тел.: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Хаджибаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А.Алимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Б.К.Алтиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, сирка кислотасидан захарланиш нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки МДХ, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам захарланишнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Бунинг сабаби сирка кислотанинг уй шароитида мавжудлиги ва ундан кенг фойдаланишидир. 2001-2018 йилларда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига (РШТЎИМ) мурожаат қилган барча экзоген захарланишли беморлар умумий сонидан сирка кислота билан захарланганлар 7,2 дан 14,6% гачани ташкил этди, бу кўрсаткич эса бошқа токсикологик марказлар тақдим этган маълумотларга мос келади<sup>1</sup>. Умумий мурожаат қилган беморлар сонининг камайишига қарамасдан, ушбу захар билан оғир захарланган беморлар улуши юқори даражада сақланмоқда<sup>2</sup>. Сирка кислота коагуляцион некроз чақирувчи маҳаллий куйдирувчи ва кучли резорбтив таъсирга эга. Резорбциянинг натижаси эритроцитлар гемолизидир, қоннинг гемолиз даражаси эса беморнинг аҳволини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади<sup>3</sup>. Сирка кислотасидан захарланишлар ташҳиси ва давосида эришилган ютуқларга қарамасдан оғир беморларда 20-25% кўрсаткичларгача юқори леталлик сақланмоқда, бир қатор муаллифларнинг маълумотларига кўра 45-58% ҳолатларда кечки асоратлар ривожланиши натижасида ногиронликка олиб келмоқда.

Сирка кислотаси билан ўткир захарланишлар эрта ташҳисоти, леталлиқни, асоратларни прогнозлаш ва интенсив давони такомиллаштириш мақсадида дунёда бир қатор мақсадга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда асосий эътибор кечки асоратларни олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга қаратилган, бу эса беморларнинг леталлик ва ногиронлик кўрсаткичини пасайишига олиб келади. Юқоридагиларга мувофиқ ҳолда, ушбу илмий-текшириш иши сирка кислотасидан оғир захарланган беморларга кечки асоратларни прогнозлаш ва эрта даврларида даволаш тактикасини такомиллаштиришни ишлаб чиқиш йўли билан интенсив даво натижаларини яхшилашга бағишланган.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш масалалари устувор вазифалардан ҳисобланади. Бу йўналишда, хусусан, сирка кислотасидан захарланиш ташҳиси ва интенсив даволашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, сирка кислотасидан захарланган беморлар учун ихтисослашган токсикологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришда янги прогнозлаш усуллари ва кечки асоратларни олдини олиш илмий асосланган натижаларга эришиш зарур. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Орлов Ю.П., Орлова Н.В. ва бошқалар. Отравления уксусной кислотой. Новый взгляд на старую проблему «русской болезни»: Шифокорлар укув кулланмаси. Омск., 2015. - 12-13, 28-30 бетлар.

<sup>2</sup> Лужников Е.А. Медицинская токсикология: Миллий рақобатнома. - М.: ГЕОТАР-Медиа, 2014. - 639-654 бетлар.

<sup>3</sup> Низамходжаев З.М. ва бошқалар. Сочетанные постожоговые рубцовые стриктуры пищевода и желудка: диагностика и тактика лечения // Шошилич тиббиёт ахборотномаси. Тошкент. 2010 – 25-29 бетлар.

Харакатлар стратегиясида тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш мақсадида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланган<sup>4</sup>. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши, жумладан, ўткир захарланган беморлар даво натижаларини яхшилаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Чоп этилган адабиётлардаги маълумотлар шуни исботлайдики, кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилишига қарамадан, леталлик ва қизилўнғач-ошқозондан кечки қон кетиш ҳамда қизилўнғач, ошқозон чандикли стенозининг учраш частотаси юқори кўрсаткичлардалиги ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Бу ҳолат шу билан боғлиқки, бошқа куйдирувчи захарлардан фарқли ўлароқ «Сирка кислота коагуляцион некроз чақирувчи маҳаллий куйдирувчи ва кучли резорбтив таъсирга эга, эритроцитлар гемолизи натижасида гемато-, нефро-, гепатотоксик ҳолат ҳамда токсик коагулопатия, қон томирлар ичида қоннинг тарқоқ ивиш синдромига олиб келади»<sup>5</sup>. «Организмга гемолизланган қоннинг таъсири натижасида беморлар оғирлик даражасини аниқлайдиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири гипоксиядир, чунки биз лаборатор усулларда аниқлайдиган эркин гемоглобинни даражаси гемолизланган эритроцитларнинг озгина қисминигина кўрсатади. Дарҳақиқат, захарланишнинг 1-, 2-суткасига турли даражаларда гемолизланган эритроцитларнинг бажарадиган вазифаси бузилади, биринчи навбатда, газлар ташилиш вазифаси бузилади». Шундай қилиб, «Сирка кислотаси билан захарланиш патогенезида тўқималар гипоксиясига катта эътибор берилади, шу сабабли даволаш чораларига антигипоксанти ва мембрана ҳимояловчи хусусиятга эга дори воситаларини қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади»<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

<sup>5</sup> Теряев А.Д. Оценка гемо-, кардиодинамики и транскапиллярного обмена у больных с отравлением уксусной кислотой в остром периоде // Острые отравления и эндогенные интоксикации. Пособие для врачей. Екатеринбург. 2012. -121-123 бетлар.

<sup>6</sup> Нефедова Т.В. Изменение резистентности мембран эритроцитов при развитии эндотоксического шока // Патологическая физиология и экспериментальная терапия. — 2001. №4. - 20-22 бетлар.

Маълумки, фиброз тўқима кислородга эҳтиёжи кам, шу сабабли «сирка кислотаси билан ўткир захарланишнинг эрта даврида (1-3 сутка), гемик ва тўқима гипоксияси ривожланиш замирида фибриллогенез ривожланиш белгилари юзага келади, шунинг учун айнан шу даврда гипоксияни бартараф қиладиган, микроциркуляцияни яхшилайдиган интенсив даво муолажалари кечки асоратларни олдини олади»<sup>7</sup>. «Тўқималар гипоксияси ва ишемияси даврида сўнгги йилларда бир қатор юқори самарага эга таркибида қаҳрабо кислота сақловчи субстрат метаболик дори воситалари пайдо бўлди»<sup>8</sup>. Бирок, сирка кислотасидан ўткир захарланишлар эрта даврида ҳозирги кунга қадар уларни қўллаш алгоритми ишлаб чиқилмаган.

Адабиётлар маълумотлари ва токсикологик марказлар ишини таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу нозология бўйича интенсив даво тактикасида захарланиш оғирлик даражасига боғлиқ ягона, қиёсланган ёндошиш мавжуд эмас<sup>9</sup>. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқилган таснифлар ё касалликнинг кечишига ва кимёвий куйиш характерига, ё интоксикациянинг умумлашган мезонларига асосланади, аммо кечки асоратларини прогнозлаш мавжуд эмас<sup>10</sup>. Ушбу вазиятда кўрсатиладиган ёрдам шифокорнинг малакасига ва тажрибасига боғлиқ бўлиб қолади. Шу сабабдан, сирка кислотасидан захарланганда оғирлик даражасига асосланган аниқ ва ягона даволаш чора-тадбирлари алгоритми яратиш зарурлиги юзага келади.

Шундай қилиб, сирка кислотасидан ўткир захарланишларда юқорида келтирилган ташҳис ва интенсив давосида ечимини топмаган муаммоларнинг даволаш-ташҳисот тактикасида кейинчалик такомиллашуви учун мазкур текширувни бажаришга сабаб бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида ИСС 2012-6-11 рақамли «Шошилич тиббий ёрдам тизими турли хил эндотоксикозларида детоксикация усулларини тадбиқ қилиш» (2012-2013) инновацион грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сирка кислота билан ўткир захарланишли беморларда интенсив давонинг патогенетик асосланган, замонавий усулини ва кечки асоратлар профилактика усулларини ишлаб чиқиш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

РШТЁИМ даги маълумотларни ретроспектив усулда сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларда даволашнинг анъанавий усуллари самародорлигини ўрганиш;

<sup>7</sup> Sarmanaev S.K. Complications and prognosis factors of Acetic Acid Poisonings / Sarmanaev S.K. // J. Tox. Clin. Tox. 2010. - Vol. 38. - P. 579-580.

<sup>8</sup> Реамберин в терапии критических состояний. Руководство для врачей. - СПб. – 2011. – С. 157-162, 171-174.

<sup>9</sup> Concentrated 70 percent acetic acid ingestion systemic and gastrointestinal effects / P.D. Siersema, W.R. Hartmans, J. Dees, M. Van Blankenstein // GUT. 2009.-Vol. 40.-Suppl. 1. - P. 31

<sup>10</sup> Афанасьев В.В. Неотложная токсикология // Руководство для врачей. – М., 2009. – С. 79

энг мақбул даво усулини танлаш учун замонавий ўлчов усуллари ва хусусий белгилардан фойдаланиб сирка кислотаси билан ўткир захарланишда умумий аҳволни баҳолаш ва кечки асоратларни тахминлаш услубини ишлаб чиқиш;

сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларни даволаш эрта босқичларида умумий аҳволни баҳоловчи кўрсаткичларга метаболик дори воситаларини таъсирини ўрганиш;

сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларда кечки асоратларни олдини олишда метаболик дори воситаларини таъсирини ўрганиш;

сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларга эрта босқичларда ёрдам кўрсатиш учун такомиллаштирилган интенсив даво услублари асосида ташхислаш – даво компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида сирка кислотаси билан ўткир захарланган ўрта, оғир ва ўта оғирлик даражасидаги 265 нафар бемор ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ишлаб чиқилган кечки асоратларни прогнозловчи усуллар ва интенсив даво тактикасида субстрат антигипоксантиларни қўллаш самарадорлигидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий иш бажарилиши жараёнида умумклиник, биохимик, цитологик, инструментал (эндоскопик, рентгенологик, ультратратовуш), морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сирка кислотасидан зарарланиш ўзига хослигини ҳисобга олиб кечки асоратлар юзага чиқишини юқори аниқликда прогнозлаш ва олдини олиш чоралари учун эрта прогностик мезонлари ишлаб чиқилди;

клиник, лаборатор ҳамда инструментал текширув маълумотларини ўрганиш асосида сирка кислотасидан ўткир захарланишларнинг кечки асоратларини прогнозлаш янги шкаласи ишлаб чиқилди;

сирка кислотасидан ўткир захарланган беморлар эрта даврида жигар, буйраклар токсик зарарланишининг комплекс интенсив давосида субстрат метаболик дори воситалари сукцинасол ва цитофлавинларни қўллаш самарадорлиги аниқланди;

сирка кислотасидан ўткир захарланган оғир беморлар эрта даврларида субстрат метаболик дори воситалари сукцинасол ва цитофлавинларни қўллаш самарадорлиги, уларнинг кечки асоратларни олдини олишдаги ижобий роли аниқланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сирка кислотасидан ўткир захарланиш эрта даврларида кечки асоратларнинг прогностик мезонлари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ қилинди;

сирка кислотасидан ўткир захарланишлар кечки асоратларини қулай прогнозлаш шкаласини қўллаш ишлаб чиқилди;

сирка кислотасидан ўткир захарланган беморларнинг эрта даврларида субстрат метаболик дори воситаларини қўллаш алгоритми ишлаб чиқилди;



ушбу контингент беморларга заҳарланиш оғирлик даражаси ва асоратлар прогнозини автоматик ҳисобловчи компьютер дастури ишлаб чиқиш йўли билан малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифати сезиларли оширилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, морфологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Сирка кислотасидан заҳарланишлар ташҳиси ва давосида олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамият касб этиб тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятини белгилаб беради. Тадқиқотнинг алоҳида натижаларини клиник ординаторлар, курсантларга сирка кислотасидан ўткир заҳарланган беморларни ташҳислаш ва интенсив даволаш ўқув программаси структура ва таркибини такомиллаштириш учун қўллаш мумкин.

Сирка кислотасидан заҳарланган беморлар кечки асоратларини прогнозлаш усули, субстрат метаболик дори воситаларини қўллаш алгоритмининг ишлаб чиқилиши, шунингдек, махсус компьютер дастури ёрдам сифатини сезиларли ошишига олиб келиши тадқиқотнинг амалий қийматини белгилаб беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сирка кислотаси билан ўткир заҳарланишли беморларда даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сирка кислотасидан ўткир заҳарланган беморларга оптимал интенсив даво аниқлаш мақсадида янги компьютер дастурли ёрдам кўрсатиш қарори ишлаб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан электрон ҳисоблаш машиналарига дастур сифатида рўйхатга олинган (гувоҳнома № 03042, 18.02.2015 йил). Таклиф этилган дастур ташҳислашда тавсиялар бериш, беморнинг умумий аҳволини жорий баҳолаш, сирка кислотаси билан заҳарланиш даражасини автоматик тарзда аниқлаш ҳамда электрон базага сақлаш имконини берди;

«Сирка кислота билан ўткир заҳарланишларда ташҳислаш ва интенсив даво услублари» номли методик қўлланма чоп этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 3 октябрдаги 8н-д/194-сон маълумотномаси). Ушбу тоифа беморларига даво тактикасини стандартлаштиришда заҳарланиш оғирлик даражасига қараб ташҳис ва даво алгоритми таклиф қилинди;

ишлаб чиқилган усуллар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятида, асосан, РШТЁИМ токсикологик реанимация ва токсикология бўлимларида, РШТЁИМ Андижон ва Наманган филиалларининг токсикология бўлимларида тадбиқ қилинди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг №8н-д/194 03.10.2018 йилдаги хулосаси). Олинган натижалар қизилўнгач-ошқозон кечки қон кетишлар частотасини 48% дан 20%гача, қизилўнгач чандиқли торайиши 52%дан 31,6%гача, леталлик 2,5 мартага камайганлигини кўрсатди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 7 та халқаро ва 3 та Республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 6 та мақола, улардан 3 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган юқори талаб ёритилган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти келтирилган, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сирка кислотаси билан ўткир заҳарланишлар этиологияси, патогенези, ташҳиси ва даволаш»** деб номланган биринчи бобида сирка кислота билан заҳарланишнинг тарқалиши, ривожланиш патогенези, ташҳислаш усуллари, оғирлик даражаларини баҳолаш, таснифи, даволаш услублари, тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилувчи долзарб муаммолари бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг умумий тавсифи ва қўлланган текширув усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи ва текширув усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Текширилаётган даврда РШТЎИМ токсикология бўлимига сирка кислотаси билан ўткир заҳарланиш билан 3218 бемор мурожаат қилган. Шулардан 1627 (50,5%) токсикология бўлимига ётқизилган, 1591 (49,5%) эса амбулатор равишда ёрдам кўрсатилган. Бўлимга ётқизилган беморларнинг 1265 (77,7%) аёл ва 362 (22,3%) эркак жинсига мансуб бўлган.

Сирка кислотаси билан ўткир заҳарланишли ўрта, оғир ва ўта оғир аҳволдаги 265 беморлар олинди. Ушбу таснифга кўра ўрта даражадаги заҳарланишли (2-даражали кимёвий куйиш, қоннинг гемоллиз даражаси 1-7 г/л, гемодинамик ўзгаришларсиз, пешоб ажралишида ўзгаришларсиз) беморлар сони 34, оғир даражадаги заҳарланишли (2-3-даражали кимёвий куйиш, қон гемоллиз даражаси 7-15 г/л, экзотоксик шокнинг компенсатор босқичи, диурезнинг 1000 мл/суткасига камайиши) беморлар 135 ва ўта оғир даражадаги заҳарланишли (3-даражали кимёвий куйиш, қон гемоллиз даражаси 15 г/л дан юқори, экзотоксик шокнинг декомпенсация босқичи, олигурия ёки анурия) беморлар 96 та бўлди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичига оғир ва ўта оғир аҳволдаги 231 бемор олинди. Улар 3 гуруҳ ва ҳар бир гуруҳ 2 тадан гуруҳчаларга бўлинди (А гуруҳча – оғир ва В гуруҳча ўта оғир аҳволдаги беморлар):

1-гуруҳга 68 бемор киритилди, уларнинг давосида сукцинасол дори воситаси комплекс даволанишда ишлатилган (1А гуруҳчада – 30, 1В гуруҳчада 38 бемор);

2-гуруҳга 63 бемор киритилди, уларнинг давосида цитофлавин дори воситаси комплекс даволанишда ишлатилган (2А гуруҳчада – 28, 2В гуруҳчада 35 бемор);

3-гуруҳга 100 бемор киритилди, уларнинг давосида ананавий даволаш усуллари ишлатилган (3А гуруҳчада – 38, 3В гуруҳчада 62 бемор).

Барча беморлар РШТЁИМ нинг токсикология бўлимида 2008 йилдан 2015 йилгача даволанишган.

1-даражали кимёвий куйишли беморлар қизилўнгач ва меъда юзаки куйганлиги, узоқ даволанишни талаб қилмаганлиги ва 3-5 кун ичида кўп беморлар уйига жавоб берилгани сабабли тадқиқотга олинмаган.

231 бемордан 200 таси (86,6%) даволаш натижаси ижобий ва 31 (13,4%) беморда салбий бўлди (1-жадвал). Ўлим билан тугаган барча ҳолатлар суд-тиббиёт экспертизаси ҳулосаси асосида ўлим сабаблари ўрганилди.

**1-жадвал**

**Куйдирувчи хусусиятга эга воситалар билан ўткир заҳарланишларда ўлим сабаблари**

Ўлим сабаби	Қиёсий гуруҳ		Асосий гуруҳ	
	Сони	%	сон	%
Ўткир буйрак-жигар етишмовчилиги	12	60	8	72,7
Ўткир нафас етишмовчилиги, ўткир зотилжам	3	15	3	18,3
Кечки қон кетиш	5	25	-	-
Жами	20	100	11	100

Қиёсий гуруҳда умумий леталлик 20% ни ташкил қилди, бу эса асосий гуруҳга (8,3%) нисбатан 2,4 марта кўпроқ.

Сирка кислотаси билан ўткир заҳарланишли барча беморларда умумий қон таҳлили, умумий পেўоб таҳлили, эритроцитлар гемолизи қон ва пешоб кўрсаткичлари, кўкрак қафаси рентген текшируви, томодан олинган суртмаларнинг цитологик текшируви, қон плазмасида ўрта молекуляр пептидлар миқдори, томоқ суртмасининг бактериологик текшируви ва аниқланган микробларнинг антибиотикка сезgirлиги олинган. Оториноларинголог аъзолари ҳолати стомофарингоскопия ва ларингоскопия усуллари ёрдамида ҳолати ўрганилди. Интоксикациянинг лейкоцитар индекси Я.Я. Кальф-Калиф усули В.К. Островскийнинг (1983 й.) такомиллаштирилган

формуласи ёрдамида аниқланди. Микробиологик текширув эса бемор стационарга ётқизилган вақтида ўтказилди. Ушбу текширувга томоқнинг жароҳатланган юзасидан экма олинди. Олиш вақтида стериллик шартларига риоя қилинди. Микробларнинг соф культураларини олиш ва улар турини аниқлашда бактериологик жихозлардан фойдаланилди. Диск-диффузион усулда паралел равишда ажратилган микрофлорани антибиотикка сезгирлиги №012-3/0093 методик қўлланма асосида ўрганилди. Покровский (1962 й.) ва Кимел З. (1984 й.) усулларига мос равишда цитологик текширувлар олиб борилди.

Сирка кислотаси билан захарланган беморларда қизилўнгач деворларидан олинган бўлақлар морфологияси 1 ойдан 3 ойгача оралиқда ўрганилди. Текширув «Karl-Geiss Jena» микроскопида (Германия) ўтказилди ва «Olympus» рақамли камерасида (Япония) суратга олинди.

Эзофагогастродуоденофиброскопия OLYMPUS эгилувчан эндоскопида (моделлари: GIF - XQ 40, GIF - Q160, BF- PE) барча беморларга ўтказилди.

Кўкрак қафаси рентген текшируви барча беморларда стационарга мурожаат қилиб келган вақтида ва 5-6, 9-12 суткаларига бажарилди. Меъда ичакнинг чуқур куйишларилик 30 беморда 3-хафта охиридан бошлаб барий сульфат ёрдамида рентген контраст усули ўтказилди. Бу даврда яллиғланишнинг ўткир даври сусайиб, ёлғон яхшиланш бўлади.

Стандарт даво чораларини 134 беморда ишлатилди. 131 беморда эса бу усулларга қўшимча равишда янтар кислотаси асосидаги метаболик дори воситалари ишлатилди.

Дори воситаларининг қўлланилиш турлари куйидагича:

68 беморда – биринчи тадқиқот гуруҳи – сукцинасол дори воситасини 400 мл дан суткасига 2 маҳал вена ичига ҳар 12 соатда 5 сутка давомида;

63 беморда – иккинчи тадқиқот гуруҳи – цитофлавин дори воситасини 20 мл (300 мг) миқдорини 400 мл физиологик эритмада суйултирилиб, суткасига 2 маҳал вена ичига томчилаб 5 сутка давомида.

Тадқиқотнинг натижалари статистиканинг вариацион статичтик текширув методи Microsoft Office Excel-2000 дастури ёрдамида ўрта квадрат оғиш, ўрта арифметик хатолик ( $M \pm m$ ), Стъюдентнинг натижалар фарқланиши кўрсаткичи ( $t$ ) ва ишончлилик даражалари ( $p$ ) ишлатилди.

Диссертациянинг «Сирка кислотаси билан ўткир захарланишларда охирлик даражаларни баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва кечки асоратларнинг прогнози» номли учинчи бобида сирка кислотаси билан ўткир захарланишларда оғирлик даражаларига кўра тақсимлаш методологияси, клиник белгилари, лаборатор ва инструментал текширув натижалари, бактериал текширувлар хулосалари келтирилган. Сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларда қизилўнгач морфологик ўзгаришлари ўрганилган. Хамда сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларда кечки асоратларнинг прогноз усуллари ишлаб чиқилганлиги батафсил ёритилган. Захарланишнинг эрта даврларида ташхислаш ва даволашда тавсиялар берувчи компьютер дастури таклиф этилган.

265 беморнинг барчаси шошилиш равишида олиб келинган бўлиб, 166 (62,6%) тез тиббий ёрдам бригадаси олиб келган, 26 (9,8%) бошқа шифохоналардан 1-суткада ўтказилган ва 73 (27,5%) ўзи ёки яқинлари томонидан олиб келинган. Тадқиқотга киритилган беморларнинг 34 тасида ўрта, 135 тасида оғир ва 96 тасида ўта оғир даражали захарланишлар аниқланди.

Ўта оғир даражадаги беморларнинг деярли барчасида қондаги эркин гемоглобиннинг миқдори 15 г/л дан юқори бўлиб, ўлимга олиб келувчи ҳолат чегарасида бўлган. Оғир ва ўрта оғирликдаги сирка кислотаси билан захарланган беморларда эса бу кўрсаткич мос равишда  $9,4 \pm 2,7$  ва  $3,1 \pm 1,9$  грамм/л ташкил қилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Сирка кислотаси билан захарланган беморлар қонида эркин гемоглобин миқдори (стационарга келган вақтида) ( $M \pm m$ )

Кўрсаткич (норма)	Ўта оғир даража, $n=96$	Оғир даража, $n=135$	Ўрта оғирликдаги даража, $n=34$
Қонда эркин гемоглобиннинг концентрацияси (1,0 г/л гача)	$16,2 \pm 2,9^*$	$9,4 \pm 2,7^*$	$3,1 \pm 1,9^*$

*Изоҳ:* \* –  $p < 0,05$  нормал кўрсаткичлар билан солиштирилганда.

Бемор шифохонага ётқизилган вақтда ички аъзолар тизимини зарарланиш даражасини аниқлаш мақсадида қон биокимёвий таҳлили ҳам ўтказилган. Уларнинг натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалда берилган маълумотлардан беморлар қонининг биокимёвий ўзгаришлари оғирлик даражалари билан боғлиқлигини кўриш мумкин. Захарланишнинг 3-суткасига барча беморларда умумий оқсил ва альбумин миқдори нормадан сезиларли даражада паст бўлди. Захарланишнинг ўта оғир даражасида бу кўрсаткич нормадан 27,7%, оғир ва ўрта оғирлик даражасидаги беморларда тегишли равишда эса 13,4 ва 6% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ). Умумий билирубин миқдори ҳам ўта оғир даражадаги захарланишларда нормадан 56,4% ( $p < 0,05$ ) юқорилиги аниқланди.

Бизнинг тадқиқотимиз шифохонага келган беморлар қонида мочевинанинг ҳам нормадан юқорилигини, бемор аҳволи қанчалик оғир бўлса, бу кўрсаткич шунчалик юқори чиқишини кўрсатди. Креатинин миқдорининг юқорилиги ўта оғир даражали беморларнинг барчасида ва оғир даражали беморларнинг 75% да тегишли равишда 2,4 ва 1,5 ( $p < 0,05$ ) бараобарга нормадан юқорилиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз яна барча беморларда токсик гепатит ва реактив панкреатит ривожланиши, шу билан бирга жигар ферментларидан АЛТ, АСТ ва диастазанинг ортишини кўрсатди. Бу кўрсаткичларнинг ўта оғир даражадаги беморларда, айниқса кучли ифодаланди. Яъни АЛТ, АСТ ва диастазанинг миқдори нормадан 5,8, 5,6 ва 1,4 мартага юқорилиги аниқланди ( $p < 0,05$ ).

Эндотоксикознинг дастлабки белгиларини ифодаловчи лейкоцитларнинг интоксикация индекси 5 мартаба ортанлиги беморларда кимёвий жароҳатнинг номахсус реакциясини ўта оғир беморларда кўриш мумкин. Бундан ташқари нейтрофилларнинг индекс кўрсаткичи ўсишини ҳам кўриш мумкин. Бу эса иммунитетнинг табиий компонентини устун тураётганлигини кўрсатади. Ўрта молекулали пептидларнинг миқдорини ўта оғир даражали беморларда 0,7 бирликдан кўтарилиши оғир ва прогностик ёмон бўлган эндоген интоксикацияни ривожланаётганини кўрсатди.

### 3-жадвал

#### Сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморлар қонининг биокимёвий таҳлили (захарлангандан сўнг 3-суткасига гемоллиз бартараф этилгач олинган), $M \pm m$

Кўрсаткич	Норма	Ўта оғир даража, $n=96$	Оғир даража, $n=135$	Ўрта оғирликдаги даражаси, $n=34$
Умумий оқсил, г/л	65-80	47,77±3,17*	57,19±4,58	62,68±3,79
Альбумин, г/л	35-55	29,5±3,27*	35,66±1,8	40,42±1,6
Умумий билирубин, ммоль/л	8,5-20,5	32,42±4,31*	22,77±2,89	10,84±2,8
Мочевина, ммоль/л	2,5-8,3	21,73±5,51*	14,2±2,34*	9,6±0,34
Креатинин, ммоль/л	0,08-0,11	0,25±0,04*	0,17±0,03*	0,12±0,04
АЛТ, u/l	0-37	233,27±21,6*	117,62±11,3*	82,73±16,3*
АСТ, u/l	0-42	205,55±7,53*	105,33±9,43*	74,46±9,58*
Диастаза, мг/мл/мин	12-32	48,5±7,03*	36,6±6,6	21,1±9,2

Изоҳ: \* –  $p < 0,05$  нормал кўрсаткичлар билан солиштирилганда.

Сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларнинг 45 тасида томоғидан олинган суртмалар цитологик усулда текширилди. Шулардан 28 беморда томоқ кимёвий куйишининг учинчи, 12 тасида иккинчи ва 5 тасида биринчи даражаси аниқланди. томоқ кимёвий куйишнинг биринчи даражаси фақат сирка кислотасидан ўткир захарланишли ўрта оғирликдаги беморлардагина аниқланди.

Томоқ суртмаларининг микробиологик текшируви куйишнинг 3-4 суткасига бажарилди. томоқ кимёвий куйиш биринчи даражали беморларда хусусий сапрофит флора ва бир оз камроқ *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus ruogenus* каби патоген микроблар аниқланди. томоқ кимёвий куйишнинг иккинчи даражасида эса сапрофит ва патоген флора бир хил нисбатда аниқланди. Оғир даражали куйишларда фақат патоген флора аниқланди. Кейинчалик эса бу беморларда замбуруғли ва нозокомиал инфекция аниқланди (*Candida*, *Pseudomonas aerogen.*). Сирка кислотасидан захарланишнинг ўрта даражали беморларда дастлаб куйидаги микроблар аниқланди: *Staphylococcus*

aureus, Stafilococcus epidermidis, Streptococcus viridans va Pseudomonas aerogen. Кейинчалик эса Klebsiella pneumonia va Candida каби нозокомиал микрофлора аниқланди. Сирка кислотасидан оғир ва ўта оғир даражали захарланишларда 3-6-суткадан бошлаб Esherichia coli va Enterobacter aerogen аниқланди. Бу эса меъданинг оғир даражадаги куйиши ҳисобига кислота баръери бузилиб, шартли патоген ичак микробларини эркин миграциясига олиб келган.

Тадқиқотга киритилган беморларда микрофлорани ўрганиш билан бирга, уларнинг антибиотикка сезгирлигини ҳам ўрганилди. Бу эса антибиотик давони такомиллаштирилган тизимларини танлашга ёрдам берди.

Бизнинг тадқиқотларимиз сирка кислотаси билан захарланишда микробларнинг 2-3 авлод цефалоспоринлари ва 2-авлод фторхинолон дори воситаларига сезгирлигини кўрсатди.

ЭГДФС текширув усули инструментал текширувлар ичида интенсив даволаш тактикасига таъсир қилувчи асосий усул ҳисобланди.

Шифохонага ётқизилган беморларнинг барчасида захарланишнинг 2-3-суткасида ЭГДФС текшируви ўтказилди. Томоқнинг учинчи даражали чуқур куйишларида ЭГДФС текширувида ҳиқилдоқ, қизилўнгач ва меъдада ҳам 75-82% холларда бир хилдаги ўзгаришлар аниқланди. Томоқнинг иккинчи даражали куйишларида 85% холларда ҳиқилдоқ, қизилўнгач ва меъдада ҳам чуқурлиги бўйича бир хилдаги ўзгаришлар аниқланди.

Жигар ва буйракларнинг УТТ ўткир захарланишли барча беморларда ўтказилди. Деярли барча беморларда токсик гепатит, 92 (34,7%) беморда буйракларнинг оғир зарарланиш белгилари аниқланди. Бу белгиларга буйракларнинг эхогенлиги ортганлиги, буйрак паренхимаси оқарганлиги, буйрак ўлчамларининг  $13,6 \pm 1,6$  см гача катталашганлиги, ТПП нинг

Қизилўнгач шиллиқ қаватининг морфологик текшируви зарарланишнинг биринчи ойларида яллиғланиш-дегенератив белгилар устунлигини кўрсатди. 3-ойгача эса яллиғланиш жараёнининг камайиши ва эпителийнинг яққол диспластик ўзгаришлари аниқланди. Бу жараёнда қизилўнгач деворида патологик грануляциян тўқима ривожланиш фонида унинг қалин толали бириктирувчи тўқима билан стенозланиши ҳам ривожланди.

Клиник-лаборатор ва инструментал белгиларнинг аниқлик даражаси Кульбак формуласи ёрдамида ҳисобланди:

$$J(x_i / A_2, x_i / A_1) = \sum_j [P(x_{ij} / A_2) - P(x_{ij} / A_1)] \lg \frac{P(x_{ij} / A_2)}{P(x_{ij} / A_1)}$$

$J(x_i / A_2, x_i / A_1)$  – белгининг аниқлик даражаси,  $A_1$  – кечки асоратли беморлар сони ( $n=76$ ),  $A_2$  – Қизилўнгач меъда тизимидан қон кетиши (ҚМТҚК) сиз беморлар сони ( $n=189$ ).  $x_i$  - ўрганилувчи катталиқ,  $j$  –  $x_i$  нинг диапазондаги сони,  $P(x_{ij} / A_1)$  – ҚМТҚК ли беморларда ушбу белгининг учраш эҳтимоллиги,  $P(x_{ij} / A_2)$  – ҚМТҚК сиз беморларда ушбу белгининг учраш эҳтимоллиги.

Жами 32 та клиник-лаборатор ва инструментал белгилар ўрганилди. Белгиларнинг аниқлик даражаси 0,3 дан (паст диагностик аҳамиятга эга) 4,9 (юқори диагностик аҳамиятга эга) гача бўлди.

32 клиник-лаборатор ва инструментал белгиларга қуйидагилар мансуб:

А) Клиник белгилар: оғриқ характери, оғриқ интенсивлиги, ютиниш, қусиш характери ва частотаси, сўлак оқиши, нафас олиш сони, ўпка аускультацияси (нафас характери), ўпкалардаги хириллашлар, терининг ранги, сатурация, артериал қон босими, юрак қисқаришлар сони, марказий веноз босим, пешоб ранги, диурез миқдори.

Б) Лаборатор белгилар: қоннинг ва пешобнинг гемоллиз даражалари, қон ивиш вақти (минут), протромбин индекси (%), фибриноген (г/л), мочевино ва креатинин (ммоль/л), АСТ ва АЛТ (u/l), умумий оқсил ва альбумин (г/л), ўрта молекулали пептидлар (оптик бирлик), лейкоцитлар интоксикация индекси ва нейтрофилларнинг интоксикация даражаси, микрофлора таркиби.

В) Инструментал белгилар: куйиш чуқурлиги (ЭГДФС), куйишнинг тарқалганлиги (ЭГДФС), рентгенграфия белгилари, жигар ва буйрақлар УТТ белгилари.

Кечки асоратлардан меъдадан қон кетиши ва қизилўнгачнинг чандиқли торайишларини прогнозлашда биз шкала ишлаб чиқдик. Унга қуйидаги белгилар жамланди.

1. Юқори прогностик аҳамиятли белгилар  $J > 3,0$ : II-III даражали қизилўнгач ва меъданинг кимёвий куйишлари, қон ва пешобнинг гемоллиз даражалари йиғиндиси 10,0 г/л дан юқори, протромбин индексининг 60% дан камлиги, фибриногеннинг 2 г/л дан камлиги, умумий оқилнинг 60 г/л дан камлиги.

2. Ўрта прогностик аҳамиятли белгилар  $J = 1-3$ : гемоглобиннинг эркакларда 100 г/л дан ва аёлларда 90 г/л дан камайиши, қоннинг ивиш вақти 5 минутдан ортиши, мочевинонинг 20 ммоль/л дан ортиши, креатининнинг 0,3 ммоль/л дан ортиши, АЛТ ва АСТ нинг 100 u/l дан ортиши, ўрта молекуляр пептидларнинг 0,5 оптик бирликдан ортиши, лейкоцитлар интоксикация индексининг 5 бирликдан ортиши, нейтрофилларнинг интоксикация даражасининг 0,4 бирликдан ортиши. Юқори прогностик аҳамиятли белгиларнинг ҳар бири 2 балл ва ўрта прогностик аҳамиятли белгилар 1 баллга баҳоланди.

12 дан 18 баллга эга бўлган беморларда кечки асоратлар ривожланиш хавфи юқори, 8 дан 12 баллга ўрта ва 8 баллдан кам деб баҳоланди.

Умумий беморлар сонидан 102 (38,4%) тасида қизилўнгач-меъда тизимидан қон кетиши юзага келди. Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, 92 (97,9%) бемор 12 балдан юқори балга эга бўлиб, ушбу беморларда ҚМТҚК аниқланди. 8 - 12 баллар йиғган 137 бемордан 10 (7,2%) тасида ҚМТҚК ривожланди. 8 балдан кам кўрсаткичга 34 бемор эга бўлиб, буларда ҚМТҚК ривожланмади.

Бундан ташқари биз умумий беморлар сонидан кечки асоратлардан қизилўнгач торайиши юқори прогнозга эга бўлганларнинг 81 беморида (86,1%), ўртача прогнозга эга бўлганларнинг 11 беморида (8,0%) учрашини, шунингдек кам прогнозга эга бўлганларда эса қизилўнгач торайиши учрамаганини аниқладик.



Кечки асоратлар прогностик шкаласи сезгирлиги - 92%  
 $((92/94) \times 100\% + (81/94) \times 100\%) / 2$ , ўзига хослиги эса – 93,8%  
 $((161/171) \times 100\% + (160/171) \times 100\%) / 2$  ни ташкил қилди.

Сирка кислотаси билан ўткир захарланишли беморларда аниқланган клиник, лаборатор ва инструментал белгилар, ишлаб чиқилган ташхисий ва прогностик белгилар асосида ҳисоблаш тизимини осонлаштириш ва даво тактикасини стандартлаштириш мақсадида «Сирка кислотаси билан захарланишли беморларда оғирлик даражаси бўйича ташхислаш ва даволаш алгоритми» (гувоҳнома № 03042 2015 й.) компьютер дастури тузилди. Ушбу дастур ташхислаш жараёнида тавсиялар бериш, бемор аҳволини баҳолаш ва сирка кислотаси билан захарланиш оғирлик даражасини аниқлаш орқали даволаш ва ахборотларни электрон базасини яратиш имкониятларини беради. Дастурга маълум клиник, лаборатор белгиларни киритиш орқали автоматик тарзда дастлабки ташхисни, дастлабки ташхислаш режасини ва даво чораларини кўрсатиб беради. Шулар билан бир қаторда оғирлик даражасига мос равишда маълумотлар базасига маълумотларни кўшиб боради.

Дастур РШТЎИМ Андижон ва Наманган филиалларининг токсикология бўлимларида тадқиқ қилинди. Олинган натижалар қизилўнгач-ошқозон кечки қон кетишлар частотасини 48% дан 20%гача, қизилўнгач чандиқли торайиши 52%дан 31,6%гача, леталлик 2,5 мартага камайганлигини кўрсатди.

**Диссертациянинг «Сирка кислота билан ўткир захарланишда интенсив даво ва кечки асоратлар профилактикасида янтар кислотаси асосида олинган метаболик дори воситаларининг самародорлигини баҳолаш» номли тўртинчи бобида сирка кислотаси билан захарланишли беморларни даволашда клиник-лаборатор кўрсаткичларга субстрат метаболик дори воситаларини (сукцинасол ва цитофлавин) таъсири тадқиқот натижалари ёритилган.**

